

## МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ЗИЁРАТГОҲЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҚАРАШЛАР: ТАВСИФИ ВА ТАСНИФИ

**Ф.Б.Ҳайитова**

*ТДПУ т.ф.ф.д. доцент в.б*

XX аср охирларидаги ўзбек халқи ҳаётидаги энг муҳим воқеа, шубҳасиз давлат мустақиллигини қўлга киритилганлиги бўлди. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг халқимизнинг бой тарихига бўлган қизиқиш ва уни бугунги кун талаблари асосида ёритишга интилиш янада ошди. Тарихимизни ўрганиш, унга бўлган ҳаққоний муносабатни қарор топтириш ва ёш авлодни тарихий хотира билан қуроллантириш Ўзбекистон ҳукумати ва давлат раҳбарининг диққат эътиборида турган муҳим масалага айланди.<sup>12</sup> Ўтган йиллар мобайнида, Президентимиз ташаббуслари билан тарихий-маданий меросимизни ўрганиш ва тарғиб этиш, меъморий ёдгорликлар ва қадамжоларни сақлаш, таъмирлашга катта эътибор берилиб, бу соҳада улкан ишлар амалга оширилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 30 августда қабул қилган “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш чора тадбирлари” тўғрисидаги қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 29 июлдаги “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш чора тадбирлари” тўғрисидаги қарори фикримизнинг яққол далилидир.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 7 мингдан ортиқ маданий ёдгорликлар, жумладан 2500 та архитектура ёдгорликлари, 2700 тадан зиёд археология ёдгорликлари ва мингдан ортиқ маҳобатли санъат ёдгорликлари давлат ҳимоясига олинган бўлиб, муқаддас зиёратгоҳлар шулар жумласидандир.<sup>13</sup> Маълумки, юртимизда дунёга маърифат зиёсини тарқатиб оламга машҳур бўлган кўплаб олим, муҳаддис, аллома ва азиз авлиёларнинг қабр ва қадамжолари мавжуд. Собиқ Иттифоқ даврида қаровсиз қолдирилиши оқибатида вайронага айланган бу табаррук жойлар она диёримиз истиқлолининг илк йиллариданоқ муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов ташаббуслари билан ободонлаштирилиб, гўзал масканларга айлантирила бошланди. Бу хайрли ишларнинг мисолини Самарқанд вилоятидаги Имом ал-Бухорий, Хожа Аҳрори Валий, Шоҳи Зинда, Абу Мансур Мотуридий, Бухоро вилоятидаги Баҳоуддин Нақшбанд, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Навоий вилоятидаги Қосим Шайх, Чашма, Қашқадарё вилоятидаги Дорут-Тиловат, Дорус-Саодат, Сурхондарё вилоятидаги Ҳаким ат-Термизий, Имом ат-Термизий,

<sup>12</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Т.: Ўзбекистон, 1998.–Б.5.

<sup>13</sup> Мансуров Р. Меъморий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш // Мозийдан садо. – Тошкент, 2004. – № 3 (23). – Б. 4–5.

Фарғона вилоятидаги Аҳмад ал-Фарғоний, Бурҳониддин Марғиноний каби буюк бобокалонларимизнинг мақбаралари қайтадан тикланиб, муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳ ҳолатига келтирилганлигидан кўришимиз мумкин. Бу улуғ зотлар дафн қилинган масканларни зиёрат қилиш каби қадриятларимиз қадимдан ажодларимиз томонидан бизларга мерос бўлиб келган. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, умуман маънавий, хусусан, “монументал санъат соҳасида амалга оширилган яна бир улкан ишимиз табаррук заминимизда туғилиб вояга етган ва мангу ором топган буюк азиз-авлиёларимиз хотирасига ёдгорлик мажмуалари барпо этганимизда намоён бўлди. Жумладан, Бухорода Абулхолиқ Гиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд, Саманқандда Имом Бухорий ва Имом Мотуридий, Марғилонда Бурҳониддин Марғилоний, Тошкент шаҳрида Ҳазрати Имом сингари ёдгорлик мажмуаларини яратдик. Халқимиз ҳаётида чуқур из қолдирган, бугунги кунда том маънода муқаддас зиёратгоҳларга айланган бундай мажмуалар маънавий оламимизни юксалтиришга улкан ҳисса бўлиб қўшилди, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади”.<sup>14</sup>

Виждон эркинлиги масаласининг давлат билан диний ташкилотлар ўртасидаги муносабати масаласида мустаҳкам ҳуқуқий негиз яратилди. Бу ҳуқуқий негиз-Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳамда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар бўғрисида”ги Қонундир.<sup>15</sup>

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунда фуқаролар ва диний ташкилотлар учун кафолатланган ҳуқуқий имкониятлар тўла рўёбга чиқарилмоқда. Диннинг мавқеи тикланмоқда. Барча диний уюшмаларга, жамоаларга қонун доирасида очиқ ва даҳлсиз фаолият кўрсатиш имконияти яратилмоқда. Ўзбекистон ҳукумати мусулмонларнинг хоҳиш-истакларини инobatга олиб, ислом дунёсининг муқаддас ёдгорликларини, тарихий обидаларини диний ташкилотлар ихтиёрига ўтказди. Янги масжидлар очилди, эскилари таъмирланди. Масжидлар давлат рўйхатидан ўтказилди. Уларнинг давлат, жамият олдидаги масъулияти белгиланди.

Муқаддас зиёратгоҳлар халқимизнинг турмушида қадимдан муҳим аҳамият касб этиб келган. Бинобарин, юртимиздаги мавжуд кўплаб зиёратгоҳлар Ўзбекистон тарихи ва маданиятида ўчмас из қолдирган машхур кишиларнинг номлари билан узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг беқиёс меросини аҳоли орасида тарғиб этиш ҳозирги кунда катта маънавий-маърифий аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг муқаддас қадамжоларни сақлаш ва обод этиш хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги 07.08. 2008 йилдаги 938-сонли қарори бу борада амалга оширилаётган ишларни нақадар муҳим эканлигини кўрсатмоқда. Ўзбекистон

<sup>14</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. -Т.: Маънавият. 2008. 155-156 б

<sup>15</sup> Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида (янги таҳрири) // Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 19-сон.-Т.: Адолат, 1998. 224-234 б.

Республикаси Президенти И.А. Каримов Олий Мажлиснинг 1-сессиясида бизга мерос бўлиб қолган маданий мероснинг бутун мазмун-моҳиятини назарда тутган ҳолда: «Ўзбек халқи томонидан яратилган ва миллий бойлигимиз бўлган ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш маънавий дастуримизнинг муҳим қисмини ташкил қилади. Бу миллий бойлик ота-боболаримиз томонидан мерос бўлиб қолган. Демак, биз уни кўз қорачиғимиздек асрашимиз ва келгуси авлодларимизга етказишимиз лозим», деб таъкидлаганди.<sup>16</sup>

Ҳукумат қарорлари асосида тузилган дастурларни 1991-2006 йилларда давлат бюджетидан ажратилган катта маблағларни “Мерос” давлат дастури босқичма-босқич амалга ошириши натижасида оламга машҳур Самарқанддаги Амир Темур мақбараси, Регистон ансамбли, Бибиҳоним масжиди, Шоҳизинда мажмуаси, Ҳазрати Ҳизр масжиди, Шоҳизинда мажмуаси, Бухородаги-Сомонийлар мақбараси, Калон масжиди, Мир Араб мадрасаси, Арк девори, Шахрисабздаги Оқ Сарой пештоқи, Дорус Саодат мажмуаси, Хивадаги-Пахлавон Маҳмуд мақбараси, Тош ҳовли, Қўқондаги-Худоёрхон ўрдаси ва бошқа обидалар таъмирланиб, келажак авлодлар учун сақлаб қолинди. Шу билан биргаликда Самарқанддаги Имом ал-Бухорий, Имом ал-Мотуридий, Фарғона ва Қувада Аҳмад ал Фарғоний меъморий мажмуалари, Тошкент, Самарқанд, Шахрисабзда Соҳибқирон Амир Темур, Тошкентда Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Урганчда Жалололдин Мангуберди, Термизда Алпомиш ҳайкаллари, Марғилонда Бурҳониддин Марғилоний мақбараси каби муҳташам замонавий ёдгорликлар барпо этилди. Айнан шу даврда тарихий ҳақиқат тикланди, Ўзбекистоннинг бой маданий ва тарихий мероси дунёга танилди.

Ўзбекистон Республикаси ЮНЕСКО ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди.<sup>17</sup> 1990 йилда Хивадаги “Ичан-қалъа”, 1993 йилда Бухоро, 2000 йилда Шахрисабз, 2002 йилда Самарқанднинг тарихий марказларидаги ёдгорликлар “Бутунжаҳон маданий мерослари рўйхати” (ЮНЕСКО) га киритилди.<sup>18</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан кейинги бир неча йил давомида давлат томонидан таъмирлаш ишларига жуда катта, аввалги даврларда сарф қилинган маблағлардан бир неча баробар кўп маблағ сарфланмоқда. Ўзбекистонда ёдгорликларни сақлашнинг тараққий этган тизими ишлаб турибди. Унинг таркибига “Таъмиршунослик” илмий-тадқиқот ва лойиҳа институти, 11 та илмий ишлаб чиқариш, бошқарма ва участкалар, шу жумладан, “Қадрият таъмир” бадий реставрация бошқармаси кирган. Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Илмиш ишлаб чиқариш Бош бошқармаси меъморий ёдгорликларнинг ноёб санъат намуналарини қайта тиклаш ва консервация қилиш ишлари билан шуғулланади. Бошқарма илмий-

<sup>16</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Маъруза. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1-сессияси. – 1995 йил 23–24 февраль

<sup>17</sup> Қаранг: Хашимов М. ЮНЕСКО фаолиятида диний бағрикенглик тамойиллари (Ўзбекистон Республикаси нисолида): Тар. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2009. – Б. 11–13.

<sup>18</sup> Мансуров Р. Меъморий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш // Мозийдан садо. – Тошкент, 2004. – № 3 (23). – Б. 4–5.

тадқиқот ишлари асосида айрим ёдгорликларни консервациялаш ва тиклашдан бутуш бошли меъморий мажмуа ҳам тарихан шаклланган қадимги шаҳар марказларини тиклашга ўтилди. ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий Комиссия кўмагида ЮНЕСКО институтлари билан алоқа ўрнатилган. 2003 йили Япония ҳукумати Ўзбекистоннинг меъморий ёдгорликларидан тадқиқот, консервация ва таъмирлаш ишларини олиб олиш учун (махсус автомашина ва асбоб-ускуналар) бир миллион АҚШ доллари ҳажмида грант ажратди. 2004 йил 11 майда унинг расмий топшириш маросими бўлиб ўтди.<sup>19</sup>

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги Муқаддас қадамжоларни сақлаш ва обод этиш хайрия жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 7 августдаги “Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги Муқаддас қадамжоларни сақлаш ва обод этиш хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги 938-сонли қарори ҳамда Васийлар кенгашининг 2008 йил 18 августдаги мажлис қарорига асосан ташкил этилган, ўз-ўзини бошқарувчи, муассасаларнинг ихтиёрий мулкый бадаллари асосида таъсис этилган, ижтимоий-фойдали мақсадларни кўзлайдиган, аъзолари бўлмаган жамоат фонди шаклидаги нодавлат ноижорат ташкилотдир. Ушбу идоранинг асосий мақсади, муқаддас Ислом дини, Ислом фалсафаси ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган буюк уламо ва азиз авлиёларнинг табаррук номлари билан боғлиқ Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Ҳазрати Имом, Шоҳи Зинда, Абдухолиқ Гиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Кўк гумбаз, Дорус-саодат, Қосим шайх каби мамлакатимиз ҳудудидаги қутлуғ зиёратгоҳ ва қадамжоларни талаб даражасида сақлаш ва ободонлаштириш, уларнинг инфратузилмасини такомиллаштириш ишларини амалга оширишдир.

Истиқлол шарофати билан динимизга қайтиш, эътиқодимизни мустаҳкамлашга бўлган эътибор ортиб, қисқа вақт ичида, саноклигина масжид ва мадрасалар ўрнида икки мингдан ортиқ жоме масжидлари ва ўнлаб диний таълим муассасалари қад ростлади. Кўплаб диний тарихий обидалар, зиёратгоҳлар ва табаррук қадамжолар қайта ободонлаштирилиб, халқимиз ихтиёрига топширилди. Жаҳон саҳнасида рўй бераётган жараёнлар, ўзгаришлар ва глобал тараққиёт ижтимоий-маънавий соҳада ҳам кўплаб ислохотларнинг амалга оширилишини тақозо этади. Жамғарма муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларни обод этиш ва уларнинг инфратузилмасини замон талаблари даражасига кўтариш билан бир қаторда, улуғ аждодларимизнинг ибратли ҳаётлари ҳамда бой маънавий меъросини асраб авайлаш, уни халқимиз, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг онги ва шуурига янада чуқур сингдириш, асрлар давомида шаклланиб, халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган умумбашарий ва миллий урф-одатларимизнинг авлоддан авлодга ўтишини таъминлаш каби эзгу ишларни амалга ошириш асосий тамойил сифатида белгилаб олинган. Бундай

<sup>19</sup> Мансуров Р. Меъморий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш // Мозийдан Садо. -Т.: 2004. №3, 6-7 б.

хайрли ишларга муносиб ҳисса қўшиш ҳар бир юртимиз фарзанди зиммасидаги шарафли вазифадир. Зеро, бу табаррук жойлар бугун нафақат юртимиз аҳли, балки чет элликларнинг ҳам соғиниб зиёрат қиладиган даргоҳларига, файзли масканларига айланиши қалбимизда ифтихор туйғуларини уйғотади.

Ўзбекистонда виждон эркинлиги, дин ва диний ташкилотларга нисбатан давлат сиёсатида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Улардан бири машхур диний арбобларнинг хотиралари улуғланишидир. Уларнинг таваллудига бағишланган юбилейлар, анжуманларнинг кенг кўламда нишонланишидир. Президентимиз И.А. Каримов буюк аждодларимизни улуғлаш масаласи хусусида шундай деган эди: «Халқимизнинг тарихий хотираси ажойиб номларга бой. Кўпгина алломаларимиз маънавияти кенг ва айна вақтда қисмати оғир бўлган сиймолардир. Улар ўзларини ҳақиқатга ташна ва ўзи ҳақиқат бўлган халққа бағишладилар. Буюк аждодларимизнинг улуғ номлари, халқ хотираси ва унинг тақдири муносиб давом этишга лойиқдир». Номи халқ орасида абадий яшашга ҳақли буюк алломаларимиз Сурхон заминида ҳам кўплаб ўтган, уларнинг хотирасини тиклаш биз учун ҳам фарз, ҳам қарздир. Ўзбекистон диёри табаррук гўша бўлиб, у ерда буюк аллома, авлиё-ю уламоларнинг табаррук руҳлари абадий қўним топган. Шунингдек, бундай зиёратгоҳларнинг ҳаммаси мустақиллик шарофати билан қайтадан таъмирланди. Биз мустақиллик туфайли ўз тилимиз, динимизни, қадриятларимизни қайтариб олишга эришдик. Муқаддас қадамжоларни ободонлаштириш, маънавият марказларига айлантириш борасида турли хил тадбирлар ўтказилмоқда. Шунингдек, ислом оламида Қуръони карим ва ҳадисларнинг мукамал ривожланишига муносиб ҳисса қўшган ал-Ҳаким ат-Термизий, Абу Исо ат-Термизий, Хожа Самандар ат-Термизий каби буюк зотларнинг асарларини ўрганиш, ёшлар онгига сингдириш, дунёвий ва диний мактабларни шакллантириш масаласида ибратли ишлар қилинмоқда. Шунингдек, фикҳ ва калом илми ҳамда ҳадисларни мукамал ёзилиши ва тарғиб этилишида, масжид-мадраса, диний мактабларнинг шаклланишида, устоз-шогирдлик масаласининг вужудга бўлишида исломий маросимлар, ахлоқ-одоб, таълим- тарбия ҳақида, шунингдек, ўша давр тарихи ва элшуносликка доир маълумотларни ўрганишга муносиб ҳисса қўшган буюк алломалар тарихини тиклаш, уларнинг ҳаёт фаолиятларини ёшлар онгига сингдиришда ҳукуватимиз томонидан амалга оширилаётган ишлар алоҳида аҳамиятга эгадир. Қолаверса, Зиёратгоҳлардаги азиз-авлиёлар ҳаётидан ибрат олиш одамларни ёмон йўллардан узоқроқ юришга инсофли-диёнатли бўлишга, ўзидан фақат яхшилик қолдириш сингари ҳайрли ишларга ундаб келган. Уларда тарбия – одоб-ахлоқ, ўзаро дўстона муносабатлар, қариндош, ота-она ва фарзандларининг ҳақ-ҳуқуқлари, меҳр-оқибат, ҳаллоллик, адолат сингари инсоний қадриятларни улуғлашга ундаб келган. Бу эса кишилар тафаккурида табиатга, ватанга бўлган меҳр муҳаббатларини ўстириб боришида муҳим омил сифатида катта аҳамият касб этади.